Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади
МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР
хоким ўринбосаридан ундирилди

3 БОЗОР, ОМИЛКОРЛИК ВА САМАРА

4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ


ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 июл, шанба №120 (1337)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





Касби тумани Марказий шифохонаси 305 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда унда 14 та даволаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур шифо маскани-нинг шифокорлари орасида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб, даволанувчиларнинг ҳурматини қозониб келаётган шифокорлар ҳам кўплаб топилади. Шулардан бири 20 йилдан буён аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётган олий тоифали шифокор Раимқул Сатторовдир.

Суратларда: шифохонанинг умумий кўриниши; тажрибали шифокор Раимқул Сатторов.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

НУРОНИЙ ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

Истиқлол шарофати

Тешабой ота Болтабоев қўлига нафақасини олиши билан жўраларини қумсаб қолди. Ҳар ойда лоақал бир марта дийдорлашилмаса, бир-бирларини соғинишади. Нуроний пўрим кийиниб, кўча томон юзланди. «Дамас»ларнинг бири унинг ёнида тўхтади. Машина манзил томон елиб бораркан, ота ён-атрофга ҳайратланиб боқади. Тахти равон асфальт йўл ёқасидаги гулзорлар, бир-биридан кўркам савдо дўконлари, гузарлар шаҳар хуснига-хусн қўшган. Ахир яқиндагина бу ерларнинг чанги чиқиб ётарди...

«Озод» қишлоғининг гавжумлиги, одамлар юзидаги табассум табаррук инсоннинг ҳам кайфиятини кўтарди. Ширкат хўжалигининг муҳташам идораси биносига суқланиб кўз югуртирди. Шу пайт ёш- яланғларнинг шодон қийқириғи янгради. Билдики, футбол мусобақаси бўлаяпти. Ёшлар спорт, санъат билан ошно тутинса, нақадар соз.

Туман марказига кираверишдаги манзара отага, айниқса, маъқул бўлди. Ойнаванд бино ўзига хос услубда, жозибадор қурилган. Ўтган-кетгандан бу маскан маиший хизмат уйи ҳамда ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган коллеж эканлигини билиб олди. «Соҳилбўйи» оромгоҳига кириб бораркан, шарқона услубда қурилган дарвоза аркини дўпписини қўлга олганича узоқ томоша қилди. Оромгоҳ ўртасидаги улкан фаввора, ям-яшил майдон, шинам чойхона, хуллас, бир вақтлар яккам-дуккам тиканлар ўсиб ётган қумлоқ ўрнида мафтункор маскан пайдо бўлганлигидан беҳад қувонди.

Ота бир олам янгиликлар билан файзли хонадонига кириб келди. Ён-атрофга сувлар сепилган, райҳон ҳиди борлиқни тутган. Қаранг, бир вақтлар катта оила дўппидеккина ҳовлида истиқомат қиларди. Қишлоқда яшаб бозорга қарам бўлиб қолишганди. Янги уй қуриш учун рухсат сўраб, райкомга борганида, қора терга ботиб темир йўл хизматида қирқ йил ишлаганини инобатга олишларини сўраганида, мутасаддилар унга эътибор қилишмади. Не кунлар эдики, волидаси қабрига бориб, қуръон туширганида тегишли идораларга чақирилиб, қон босимини оширишганини ҳануз унутолмайди. Бешик ясайдиган устахона очиб, эндигина ишга киришган эдики, туман молия бўлимига чақиртириб, таъзирини беришди. Устахона ёпилди. Бугина эмас, қанчадан-қанча қўлигул маҳалладошлари ҳам ҳаттоки, мойжувоз, обжувозларидан айрилдилар.

Дарвоза эшигидан кимдир келаётганини сезган отанинг хаёли бўлинди. Ишком ёнида туман ҳокимининг ўринбосари Долахон Абдураҳмонова бошлиқ меҳмонлар қўлларида гулдаста, совға-саломлар билан кириб келишди. Улар отахонни табаррук 80 ёши билан қутлаб, соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилашди. Сўнг пойтахт сиҳатгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқариши учун туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари томонидан ажратилган бепул йўлланмани нуронийга топширишди.

Беихтиёр Тешабой отанинг кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланди. Баъзида бир оғиз ширин сўз, қадрдонлар эътибори инсон кўнглини тоғдек кўтаради. Туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Ғуломқодир Абдураҳимов даврада ўтирганларга юзланиб, мустақиллик шарофати ила рўй бераётган ўзгаришлар, қарияларга кўрсатилаётган меҳрибонликлар ҳақида сўзлади. Қаранг, бир ойнинг ўзида қарияларга 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилибди. Жорий йилда камида 70 нафар уруш ва меҳнат фахрийси энг яхши сиҳатгоҳларда дам олдириларкан.

Чинданам мустақиллик йилларида туманда катта ўзгаришлар рўй берди. Қорадарё соҳилида 31 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилгач, «Соҳилбўйи» дам олиш оромгоҳи ишга тушди. Шу йил фойдаланишга топширилган касб-ҳунар коллежида 250 нафар қишлоқ ёшлари илм олишаётир. О.Қурбонов номли, Ёқубов номли, «Туркистон» ширкат хўжаликларидаги амбулаториялар қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди. Қишлоқларга 14 километрлик газ қувурлари тортилди.

Ўрта ва кичик бизнес иштиёқмандлари кенг қўллаб-қувватланмоқда. 2002 йилнинг биринчи июлида 115 нафар тадбиркорга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш учун 130 миллион сўм кредит ажратилди. Эътиборлиси шуки, боғдорчилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Айва» кичик корхонаси ўз маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилмоқда. Хусусий тадбиркор Ўктамхон аянинг озиқ-овқат маҳсулотлари харидорларни хушнуд этмоқда.

Фермерлик ҳаракати қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Туманда донгдор фермерлар кўп. Улар дон етиштиришда юқори натижага эришиб, ўзига хос тажриба мактабини яратишди. Масалан, «Бўстон» хўжалигидаги Араббой Ҳожиев бошлиқ фермерлар гектаридан 90 центнердан дон етиштиришга эришдилар. Пахтаобод оқшомлари ғоятда файзли. Бу сўлим гўшага бир қадам ранжида қилинг, шунда мустақиллик нақадар улуғ неъмат эканлигини қалбдан ҳис этасиз!

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни қутлуғ айём - «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилганига 10 йил тўлгани муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Истиқлол йилларида вужудга келган миллий туризм соҳасининг тарихан қисқа давр мобайнида замон талаблари даражасида ривожланганини, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга самарали ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, ўлкамизга хорижий мамлакатлардан келаётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётгани, янги-янги туристик йўналишларнинг очилаётгани, уларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланаётгани замирида сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, изланиш ва интилишларингиз мужассам.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонлар инсоният цивилизациясининг бешикларидан бўлмиш кўҳна ва навқирон шаҳарларимизни, санъат асари даражасидаги беқиёс меъморий обидаларни ўз кўзлари билан кўриш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, юртимизнинг бетакрор гўзал табиати, халқимиз томонидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, улуғвор ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири диёримиздан ўзбек халқининг бой ва шонли ўтмиши, қадимий урф-одатлари, ўзига хос санъати ва маданияти ҳақидаги бой таассуротлар билан қайтаётганларида ҳам сизларнинг хизматингиз каттадир.

Бу эса халқаро туризмни янада ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос янги, замонавий шинам меҳмонхоналар, сайёҳлик масканларини барпо этиш, хорижий сармояларни кенг миқёсда ушбу соҳага жалб этиш имконини ҳам бермоқда.

Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан юртдошларимизнинг чет элларга эмин-эркин сафар қилишлари учун қулай шарт-шароит яратилгани, бу эса жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашдек мақсадимизга эришиш йўлида хизмат қилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Мен ушбу соҳа ходимлари ўзларининг касб маҳоратини ошира бориб, ҳали ишга солинмаган мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланадилар, хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтарадилар, сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантириб, Ўзбекистонимизни чинакам туризм ўлкасига айлантирадилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни яна бир бор қутлуғ сана билан муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Фарғона вилоят касаба уюшмалари кенгашининг мажлислар залида маданият муассасалари раҳбарлари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида бир ҳафталик ўқув семинари ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, маданият ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамда касаба уюшмаси ўқув маркази ташаббуси билан ўтказилган ушбу ўқув иштирокчиларига Меҳнат Кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар асосида тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан маърузалар ўқилди.

Ўқув семинар иштирокчилари касаба уюшмалари вилоят кенгашининг ҳуқуқий масалалари бўйича етакчи мутахассиси Т.Миррахимов, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича мутахассиси Р.Отақулов, Фарғона давлат политехника институтининг ўқитувчилари, шунингдек, вилоят ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси ва маданият ишлари бошқармасининг мутахассисларини мароқ билан тинглашди. Ўқув семинар якунида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашдилар.

Адҳамжон МЎМИНОВ, Фарғона вилояти Маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

БОЗОР ТАЛАБИГА ҚАРАБ

Тез орада республикамиз чорвадорлари учун сутни қайта ишлаш борасидаги имкониятлар янада кўпаяди. «Упакмашавтомат» очиқ турдаги акционерлик жамияти уларга ёрдамга келмоқда. Бу ерда сутни қайта ишлайдиган кичик ускуналарни ишлаб чиқара бошлашди.

Бу ускунада бир сменада 300-400 литр сутни қайта ишлаш ва ундан қаймоқ олиш, пишлоқ, бошқа маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Бундай автоматик ускуналар кейинчалик томат пастаси, турли шарбатлар ишлаб чиқариш учун мослаштирилади. Ускуналарни нафақат йирик фермер хўжаликлари, балки кичикроқ хўжаликлар ҳам биргалашиб сотиб олиши мумкин.

Акционерлик жамияти кучли муҳандис-техник салоҳиятига, юқори малакали ишчиларга эга бўлиб, истеъмолчининг ортиб бораётган талабини қондириш учун янги йўлларни изламоқда. Суюқ ва сочилувчан озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш бўйича технологик жиҳатдан пухта ва доимий тарзда яхшиланиб бораётган ускуналарни ишлаб чиқариш билан бир қаторда, акционерлар замон билан ҳамнафас қадам ташлаб янгиликка интилмоқда. Бу йил ПЭТ-тара тайёрлаш бўйича ускуналар мажмуини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Булар турли ҳажмда махсус полиэтилендан тайёрланган идишлардир. Бозор талабини ҳис этган ҳолда корхона мутахассислари беш литр ҳажмидаги идишларни тайёрлаш бўйича ускуналарни ишлаб чиқаришга киришмоқда. Улар тоза булоқ сувини ва бошқа сувларни қадоқлаш учун мўлжалланган. Бундай тажриба дунёнинг кўплаб мамлакатларида мавжуд. Бизнинг шароитимизда олис туманларда катта идишда тоза сув жуда зарур. Ҳозирдаёқ беш литрли идишларни тайёрлаш бўйича ускуналарга «Самарқанд-Прага» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси буюртма берди.

Замонавий технологиялар, юқори самарали ускуналардан фойдаланиш - ҳар бир мамлакатнинг тараққиётига хизмат қилади. Бизнинг янгилик истовчиларимиз ҳам орқада қолиш ниятида эмас. Чунончи, «Фарғонасут», «Бухоросут» бирлашмаларининг буюртмасига асосан «Данон» туридаги қатиқни қуйиш бўйича юқори самарали ускуна тайёрланди. Бу тўйимли ва мазали маҳсулот Россиянинг «Смак» фирмаси билан биргаликда ишлаб чиқарилмоқда. Ускуна бир соатда 2,5 мингта идиш маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳақиқатан ҳам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муваффақият омилидир. Бироқ, айни пайтда ҳам «Упакмашавтомат» акционерлик жамиятида ишсиз ўтиришмаяпти. Раҳбарнинг жавонида турли ускуналарни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича 52 та шартнома бор.

(ЎзА).

КАСАБА УЮШМАСИГА РАҲМАТ

ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояга олинган меҳнаткашларнинг дил сўзлари

Республика касаба уюшмаларига меҳнаткашлардан турли мазмундаги мурожаатлар келмоқда. Хусусан, ўтган йили 4346 та ёзма, 14715 та оғзаки, жами 19061 та мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 15768 таси, яъни 86,9 фоизи ижобий ҳал этилди.

Келаётган мурожаатлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, айрим иш берувчилар томонидан Меҳнат Кодексида белгилаб қўйилган шартлардан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол этилишига олиб келмоқда.

Масалан, Бухоро туман «Бухороматлубот» акциядорлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш корхонаси ходими Зубайда Жумаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 101- ва 102-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган. Шу боис, касаба уюшмаси мутахассислари томонидан огоҳлантириш хати асоссиз деб топилиб, З.Жумаева ўз ишига тикланди.

Яна бир мисол: Самарқанд вилояти Пахтачи тумани электр тармоқлари назоратчиси Х.Сувонова аҳолидан пул тушумларини ундириш режасини бажармаганликда айбланиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний тарзда бекор қилинган. Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ўша даврда Х.Сувонова бетоб бўлиб, ишда бўлмаган. Шунингдек, иш берувчи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун бошланғич касаба уюшма қўмитасининг розилиги сўралмаган. Ваҳоланки, иш берувчи ўзининг ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи эканлигини уч кун аввал ёзма равишда маълум қилиши ёки шунга мутаносиб равишда пуллик компенсация билан алмаштириши керак эди. Касаба уюшмаларининг қонуний аралашуви билан Х.Сувонованинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилиниб аввалги лавозимига тикланди.

Иш берувчилар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун талабларига риоя этилмаганлиги тўғрисида касаба уюшмаларига келаётган шикоят ва аризалар кишини ўйга толдиради. Хусусан, вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат этган Қарши шаҳар 2-сон болалар шифохонаси врачи Дилфуза Ражабова, «Ўзтемирйўлйўловчиташиш» чипта сотувчиси М.Ҳамроева, Акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходими Ф.Аминова ҳамда Х.Ҳожиматов номли 15-сон ўрта мактаб ўқитувчиси Нигора Мирзаеваларнинг ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилганликлари аниқланиб, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг аралашуви билан аввалги вазифаларига тикландилар. Уларга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

(Давоми 2-бетда).

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг жорий йил 9 июлдаги сонида «Назорат тарозуси йўқолган... эмиш» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Музработ тумани ҳудудида жойлашган «Бозор» очиқ турдаги акционерлик жамиятидаги жиддий камчиликлар, хусусан, сифатсиз маҳсулотлар сотилаётгани, ободончиликка эътибор берилмаётганлиги, бу ерга келувчилар учун қулай шароитлар яратилмаганлиги танқид қилинганди.

Мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди. Унда шундай дейилади:

— Рўзноманинг танқидий чиқиши туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муташаддди корхона, ташкилот ҳамда маҳалла йиғинлари раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган далиллар тасдиқланди. «Бозор» ОТАЖ раиси У.Қувондиқов, раис ўринбосари С.Назаров ва туман СЭС бўлими бошлиғи Х.Бурхоновга суст фаолият юритишаётгани таъкидланиб, камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш топширилди.

Шунингдек, мақола туман «Бозор» ОТАЖнинг кенгайтирилган йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйган кишилар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Хусусан, ходим А.Кенжақуловга ҳайфсан эълон қилинди.

Бозор ҳудудидаги савдо шохобчаларида намунали хизматни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатлилигини таъминлашга эришиш туман давлат солиқ инспекцияси зиммасига юклатилди. Туман ҳокимлиги муҳим ишни амалга оширишда мутасаддиларга амалий ёрдам бериш билан бирга белгиланган тадбирларни қатъий назоратга олди.

Р.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Музработ тумани ҳокими.

КАСАБА УЮШМАСИГА РАҲМАТ

ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояга олинган меҳнаткашларнинг дил сўзлари

(Боши 1-бетда)

Иш берувчилар томонидан йўл қўйилган юқоридаги хато ва камчиликлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учраб турибди. Таъкидлаш лозимки, касаба уюшмалари уларни бартараф этиш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда изчиллик кўрсатяпти.

Тошкент вилояти «Ангренқўмирқурилиш» акциядорлик жамияти кадрлар бўлими назоратчиси Ў.Исроилова корхонада пудрат ишлари камайганлиги сабабли қисқартиришга тушган. Текшириш жараёнида шу нарса аниқландики, янги штат жадвали тасдиқланганда кадрлар бўлими назоратчиси лавозими штат жадвалидан чиқарилмаган. Яъни, аслида қисқартириш бўлмаган. Бу ҳолат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан жойида ўрганилиб, Ў.Исроилованинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинди. Натижада Оҳангарон туманлараро фуқаролик суди қисқартириш сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топди ва Ў.Исроилова аввалги ишига тикланди. Унга мажбуран бекор юрган вақти учун 292 минг сўм моддий, 200 минг сўм миқдоридаги маънавий зарар ундириб берилди.

Шу ўринда қисқартириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар иш берувчига ёқмай қолган ходимлардан қутилиш мақсадида кўрилган чора эмаслигини эслатиб ўтмоқни, яъни барча тадбирлар қонуний асосланган бўлиши лозимлигини таъкидлашни истар эдик.

Жорий йилда ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига меҳнаткашлардан турли мазмундаги мурожаатлар келиб турибди. Келаётган хатларнинг бир қисми миннатдорчилик мазмунидаги ташаккурномалар эканлиги қувонарлидир.

— Менга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг аралашуви билан «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» акциядорлик жамиятидан моддий ёрдам ажратиб берилди, - деб ёзади мазкур корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда пенсионер Туроб Тошқўзиев. - Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига, шунингдек, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасига миннатдорчилигимни билдираман.


— Иш ўрни қисқарганлиги туфайли мен билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 1-бандига кўра бекор қилинган эди, - дейди «Ўзгазсотиш» Қашқадарё вилояти ҳудудий ваколатхонаси ходими Феруза Самадова. - Аммо ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда менга иш берувчи томонидан қонун асосида тўланиши лозим бўлган моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар тўланмади. Касаба уюшмаларига минг раҳмат, аризамни чуқур ўрганиб, менга тегишли бўлган 51132 сўм миқдоридаги қўшимча кафолат пулини ундириб берди.

Янги Ангрен ДИЭС ишчиси С.Аминовнинг дил изҳорларидан ҳам юқоридаги каби илиқ сўзлар ўрин олган. Касаба уюшмалари кўмагида унинг иш берувчи томонидан қонунга зид равишда ойлик мукофотлардан маҳрум қилинганлиги аниқланиб, унга тегишли бўлган мукофот пули ундириб берилди.

Инсонга наф келтиришни ўз шиорига айлантирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўз анъаналарига содиқ қолмоқда. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқда. Зеро, ҳар бир хат ортида инсон тақдири турибди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби.





Бўстонлиқ туманидаги электр қурилиш ишлаб чиқариш корхонасига қарашли «Оқ елкан» номли болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида айни пайтда Оролбўйидан келган болалар ҳам мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Бу ерда болаларнинг вақти кўнгилли ўтиши учун барча шароит яратилган. Спорт майдончалари, ёзги клуб ҳамда «Маънавият ва маърифат» хоналари улар хизматида.

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Самарқанд вилоятида сўлим, ҳавас қилса арзигулик болалар оромгоҳлари анчагина. Лекин Сафеди қишлоғида жойлашган вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг «Ёшлик» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи бошқаларидан ажралиб туради.

Мазкур маскан илгари Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига тегишли бўлиб, 1999 йили касаба уюшмалари спорт жамияти тасарруфига ўтказилганди. Йилига бу ерда 400 нафар ёшлар ҳордиқ чиқаришмоқда. Оромгоҳ махсус ихтисослаштирилган бўлиб, унда асосан вилоятдаги спорт мактабларининг тарбияланувчилари дам олишади...

ЁШ СПОРТЧИЛАР ОРОМГОҲИДА

— Дам олиш масканида мини футбол, 2 та волейбол, баскетбол, кураш майдончалари, теннис корти мавжуд, - дейди оромгоҳ раҳбари Муҳаммадамин Маҳмудов. — Жиҳозларимиз етарли. Спорт анжомлари билан таъминлашда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва спорт мактабларининг ёрдами катта бўлди. Бу ерда болалар дам олиш билан бирга барча спорт машғулотларини ҳам давом эттиришади. Уларнинг меъёрида овқатланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шароитлар яратилган.

Масканнинг сўлимлигидан дилингиз яйрайди. Қуюқ соя солиб турган дарахтлар орасидан ерга тангадек офтоб тушмайди. Дам олувчилар учун иккита кичик сув ҳавзаси мавжуд. Ҳамма жой саранжом-сариштa. Бир гуруҳ ёшлар спорт билан машғул, яна баъзилари китоб мутолааси билан банд.

— Бу дам олиш масканига илк бор келишим. Шундай ажойиб гўшаларда ҳордиқ чиқараётганимиздан ҳурсандмиз, - дейди волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида республика чемпиони Ирода Хўжаева. — Бу ерда бир неча кун дам олиб, ўзимизни анча тетик ҳис қиляпмиз. Ўтган кунлар давомида бир қанча мусиқий дам олиш тадбирлари ўтказилди. Самарқанд кўғирчоқ театри жамоасининг чиқишларини завқланиб томоша қилдик. Қишлоқ одамлари ва қўшни оромгоҳ болалари билан учрашувларда қатнашдик. Волейболчи дугоналарим билан келгусида ҳам шу оромгоҳда дам олишни ният қилиб қўйдик.

Шодмон Авазов, Игор Бабаев, Юрий Коченев каби мураббий ва тарбиячилар ҳамиша болалар даврасида. Оромгоҳда спортнинг кўплаб турлари бўйича ўзаро мусобақалар ўтказиб турилибди. Энг муҳими, олтин ёзнинг ҳар лаҳзаси мазмунли, гаштли ўтмоқда. Дам олувчилардан Ш.Ражабов, И.Мансурова, А.Маърупова каби ёш спортчилар яхши ҳордиқ чиқаришаётгани, улар учун барча қулайликлар яратиб берган ташкилотчиларга ташаккур билдиришди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ислоҳот инсон учун

Урганч туманида жами 132 та бошланғич ташкилоти бўлиб, касаба уюшма қўмиталари маъмурият билан тузган жамоа шартномаларида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг дам олиш ва турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш,меҳнатга ҳақ тўлаш, таътилга чиқиш, ишга қабул қилиш ва ишдаш бўшатишда меҳнат қонунларига қатъий риоя қилиш, болаларни ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш кабилар ўз аксини топган.

БАРИ ШАРТНОМАДА ЁЗИБ ҚЎЙИЛГАН

Туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши туман ҳокимлиги билан биргаликда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили 2003 кишига иш ўрни яратилиб, 270 кишига ишсизлик нафақаси яратилган бўлса, бу йилнинг беш ойида 703 нафар киши ишга жойлаштирилди, 196 нафар кишига ишсизлик нафақаси берилди.

Шу кунларда Амударё қирғоғида жойлашган «Жайхун» болалар оромгоҳида 80, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида жойлашган «Камалак» болалар оромгоҳида 100 нафар ўқувчилар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Оромгоҳларга биринчи навбатда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларнинг болаларидан қабул қилганмиз.

Касаба уюшма қўмиталари айниқса аёлларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва турмуш шароитларини яхшилашга қарата бир мунча ишларни амалга оширмоқда. Уларга даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, меҳнат таътилларига қўшимча кунлар қўшиб бериш, зарарли, оғир меҳнатда фойдаланмаслик, ёш болалик ва ҳомиладор аёлларни тунги сменаларда ишлатмаслик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили пулларини ўз вақтида бериш қатъий назоратга олинганлиги самарасини бермоқда.

Меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ўтган йили ижтимоий суғурта фондидан 16 миллион сўм сарфланган эди. Бу йил эса 18 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда. Шу пайтгача тармоқ қўмиталари 28 нафар кишини марказий ва вилоят сиҳатгоҳларида дам олдириб, саломатликларини тиклашга кўмаклашди.

Дарвоқе, жорий йилнинг қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан сиҳатгоҳларга бериладиган имтиёзли йўлланмаларнинг аксариятини кексалар учун ажратганмиз. Шу кунгача 10 нафар нуроний отахон ва онахонлар сиҳатгоҳларда даволаниб қайтишди. Йил охиригача яна 25 нафар қарияга йўлланма берилади.

Ж. ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Урганч туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси.

Хабарлар

ҚУВА ШИРИНЛИКЛАРИ

Қува қандолат ишлаб чиқариш корхонасида яна бир замонавий ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилди.

«Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси ҳамда Германиянинг «Вин-Системс» фирмаси ўртасидаги келишувга мувофиқ бу ерда соатига 550 килограмм майизли, шоколадли батон-булочка тайёрлайдиган тармоқ истеъмолчиларга дастлабки маҳсулотларни етказиб берди.

Томонлар келишувига кўра бу ерга Голландия, Испания, АҚШда тайёрланган янги ишлаб чиқариш линиялари ўрнатилди. Бир миллион 699 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилган корхонада 40 дан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, янги ишлаб чиқариш тармоғи асосан маҳаллий хом ашёдан жаҳон андозаларига мос, экологик тоза ширинликлар ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг 30 фоизи четга экспорт қилинади.

- Барча маҳсулотлар озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун талабларига жавоб бериши шарт, - дейди корхона раҳбари Толибжон Давидов. - Янги ишлаб чиқариш тармоғида тайёрланаётган маҳсулотлар тўйимлилиги, мазаси ва сифатига кўра бозор талаби ва эҳтиёжини тўла қондириш имкониятига эга.

КОНЧИЛАР ТАЪМИРЛОВЧИЛАРДАН МАМНУН

Қоровулбозор туманидаги «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» акционерлик жамияти таъмирловчиларининг фаолиятини мамлакатимиздаги бир қатор йирик нефт ва газ конлари раҳбарияти юқори баҳоламоқда. Жамият аъзолари асосан «Мубаракнефтгаз»,»Шўртаннефтгаз»,»Устюртгаз» унитар шўъба корхоналари, «Узмалойл» қўшма корхонаси таркибидаги нефт ва газ қудуқларини таъмирлаш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда улар мазкур корхоналар таркибидаги Кўкдумалоқ, Шимолий Ўртабулоқ, Шўртан, Қоровулбозор, Урга, Тошли ҳудудларида иш юритмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида нефт ва газ конларидаги 109 та қудуқ таъмирланди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 тага кўп. Иш ҳажмининг ошиши, ўз навбатида, ишчи-хизматчилар маоши юқори бўлишини таъминламоқда.

Технологик жараёнлар узлуксизлиги замонавий техника билан боғлиқ. Жамият ўтган йили 801 миллион 424 минг сўмлик янги бурғулаш асбоб-ускуналари ва махсус техника сотиб олган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 3 миллиард 298 миллион 153 минг сўмлик ана шундай зарур ашёлар харид қилинди. Улар орасида АҚШ, Украина ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳлар бор. Мазкур янги технологияларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш, самарадорликни янада ошириш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар Америка ва бошқа хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтишди.

Акционерлик жамиятида ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида қарийб 4 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, ишчилар ётоқхонаси 20 ўринга кенгайтирилди, тампонаж цехи ҳовлиси ободонлаштирилди. Булардан ташқари Кўкдумалоқ участкасида ишчилар ётоқхонаси қурилиши қизғин давом эттирилмоқда.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ»: ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси, Корхоналарни индивидуал хусусийлаштириш бюроси ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорликда кимё саноати тизимидаги «Навоийазот», «Электркимёсаноат», «Аммофос», «Андижон биокимё заводи», «Қўқонспирт», «Жиззах пластмасса», «Қўқон суперфосфат заводи», «Резинотехника» каби йирик очиқ акциядорлик жамиятларининг тақдимот маросимини ўтказди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кимё саноати тизимидаги мазкур корхоналарнинг деярли 50 фоиз акциялар пакети хориж сармоядорларига сотилади.

Анжуман иштирокчиларига ушбу корхоналар ҳақидаги барча маълумотлар тақдим этилди, инвесторларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

НАМАНГАННИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларида автомобиль йўллари, пиёдалар йўлаклари ва автобус бекатлари қурилиши учун йил давомида 4 миллиард 78 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

«Наманганавтойўл» Давлат акционерлик компанияси томонидан бу йил вилоятда 700 километрга яқин автомобиль йўллари, 160 километр тротуар, 205 бекат қайта таъмирланиши лозим.

Ўтган ярим йилликда ободонлаштириш ишлари ҳажми янада кенгайди. Қисқа вақт ичида Амир Темур кўчасини шаҳар таксопарки билан боғловчи йўл кенгайтирилиб, қайта созланди. Темирйўл шоҳбекати олдидаги майдон ҳам тубдан ўзгариб, бу ерда водийда ягона фаввора барпо этилди. Шу давр ичида йўлсозлар вилоят кўп тармоқли шифохонаси ва Конституция хиёбони қурилишида ҳам 350 миллион сўмлик ободонлаштириш ишларини бажарди.

Шу кунларда «Наманганавтойўл» ишчилари вилоят марказида жойлашган Бобороҳим Машраб кўчаси автомобиль қатнови қисмини кенгайтириш мақсадида катта қурилиш ишлари олиб бормоқда. Ободонлаштириш ишлари Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами арафасида якунланади.

(ЎзА).

«Ишонч» фош этади

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР

ҳоким ўринбосаридан ундирилди

«Кўп жойларда номақбул одат тусига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка соғин сигир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак».

Бу сўзлар Вазирлар Маҳкамасининг 18 июл куни бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларидан олинди. Тадбиркор эзгу мақсадни дилига жо қилиб, вақт билан ҳисоблашмай ишлайди. Истеъмол бозорини тўлдириш, савобли ишларда баҳоли-қудрат иштирок этиш учун астойдил ҳаракат қилади. Қўшимча иш ўринлари яратиб, ёшларга касб кордан, одамийликдан сабоқ беради. Ана шундай фидойи, олижаноб инсонларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятларини янада ривожлантиришга эришиши учун амалий ёрдам ва мадад кўрсатиш ҳар бир раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бахтга қарши ҳали орамизда буйруқбозлик кайфиятидан халос бўла олмаган, таъкидланганидек, тадбиркорликка бамисоли соғин сигир сифатида қараётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ушбу воқеа фикримизнинг далилидир. Янгийўл шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуғани Нормирзаев тадбиркор Ҳабибулло Илмуратовни телефон орқали хонасига чақиради. Юзма-юз бўлишгач, ўринбосар ҳокимият ошхонаси ертўлада жойлашганлиги, меҳмонхонадаги шароит яхши эмаслиги ҳақида тўхталиб, янги қурилишларга тадбиркорлар ёрдам бериб юборишлари кераклигини енг учида қистириб ўтади.

Шундан сўнг у тадбиркор қўлига бир варақ қоғозга ёзилган рўйхатни тутқазиб, сувоқава трубалари ва чўян тирсаклардан ёрдамлашиб юборишини таъкидлади. «Тонг» хусусий фирмасининг раҳбари Х.Илмуратов ноилож эртасига Тошкент шаҳридаги «Ўрикзор» бозорига бориб, 200 минг сўмлик материалларни сотиб олади ва уларни белгиланган жойга етказади. Шундан сўнг ҳокимнинг биринчи ўринбосарига учрашиб, «айтганларингизни муҳайё қилдим, энди сизлар ҳам тадбиркорга ёрдам беринглар», дейди. Қарангки, Илмуратов бор йўғи ўзига қарашли дўкон учун 8 турдаги маҳсулот турлари фондини кўпайтириб беришни сўраганди, холос. Тадбиркор ҳоким номига хат билан мурожаат қилди. Бироқ, унинг дўкони Янгийўл шаҳри ҳудудида жойлашмаганлиги боис фонд берилмади.

Чув тушган тадбиркор ҳимоя сўраб Тошкент вилоят Адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилгач, «Зангиота» туман фуқаролик ишлари бўйича судига даво аризаси киритилди.

Суд ишни кўриб чиқишда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 34 ва 38-моддаларига таянди. Ушбу қонуннинг 34-моддасида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслиги, 38-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти субъектига зарарни уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланиши қайд этилган.

Шундай қилиб, суд қарори билан жавобгар — Янгийўл шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Нормирзаевдан тадбиркор Х.Илмуратов фойдасига 100 минг сўм моддий зарар, 300 минг сўм маънавий зарар ундирилди...

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

АСОСИЙСИ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Шу боис ҳам Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулло халқаро молиявий ташкилотларни хайрия инвестициялар киритишни янада кўпайтиришга чақирди. Вазир бу маблағлар энг аввало таълим тизимини яхшилашга, хусусан, мактаблар қуришга, шунингдек, чекка ҳудудларни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари барпо этишга сарфланишини таъкидлаб ўтди.

ШАРОН СУДГА БЕРИЛАДИМИ?

Ҳар ҳолда Фаластин расмийларининг нияти жиддийга ўхшайди. Исроил ҳаво кучлари томонидан бундан тўрт кун муқаддам амалга оширилган зарба чоғида нафақат ҲАМАС раҳбарларидан бири бўлмиш С.Шеҳад ўлдирилганлиги, шунингдек, тинч аҳоли ўртасида ҳам кўплаб қурбонлар берилганлиги мухториятда кескин норозиликларни келтириб чиқарди. Ёсир Арофатнинг маслаҳатчиси Набил Абу-Рудейна шу ҳақда гапириб, 1 июлдан фаолият кўрсата бошлаган Халқаро жиноий ишлар бўйича судга мурожаат қилишдан ўзга чоралари қолмаганлигини айтган.

БМТНИНГ 190 АЪЗОСИ

Европанинг қоқ марказига жойлашган бу мамлакат неча йилларки, бетарафлиги билан маълуму машхур. У — Швейцария.

Куни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши «дунё хазинабони» таърифини олган юртни ўз аъзолигига қабул қилиш ҳақида бир тўхтамга келди.

Швейцария 10 сентябрда Бош Ассамблеядаги овоз беришлардан сўнг БМТнинг 190-аъзоси бўлади.

ТОВЛАМАЧИ КОНГРЕССДАН ҲАЙДАЛДИ

Огойо штатидан депутатликка сайланган ДжеймсТрафикант мансабини суиистеъмол қилганлиги учун АҚШ конгресси вакиллар палатасидан қувғин қилинди. Бу фуқаролар урушидан сўнг мамлакат парламентарияси тарихидаги иккинчи шундай воқеа. Бунгача, яъни 1980 йили пенсильваниялик Майкл Мийер деган депутатнинг бошига ҳам шундай кун тушган эди.

ДАРЁ КЎЧАЛАР

Туркияда ёққан кучли ёмғир оқибатида йигирмага яқин киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Айниқса, Қора денгиз бўйларидаги аҳоли турар жойлари қаттиқ зарар кўрди. Ризе ва Токат шаҳарчалари кўчалари дарёга айланди, кўплаб иморатлар яшаш учун яроқсиз ҳолатга келди.

Лекин хавф батамом чекинганича йўқ. Мамлакатнинг шимолий, шарқий ва марказий ҳудудларида яна жала ёғиш эҳтимоли бор.

ЯНА 17 ЙИЛДАН СЎНГ

Шу йил 5 июлда Нью-Мексико обсерваторияси ер томон катта тезликда ҳаракатланаётган ғалати ёруғликни «кашф этди». Диаметри икки километрга тенг астероид, олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, яна 17 йилдан сўнг она заминимизга етиб келади. Ҳатто ўша машъум кун ҳам маълум - 2019 йил 1 феврал...

Агар чиндан ҳам шундай тўқнашув юз берса, 16 миллиард тонналик вазнга эга астероид тахминан айланаси 500 километр бўлган ҳудудни жаҳаннамга айлантиради, портлаш тўлқини эса яна бир неча юз километрда вайронагарчиликни келтириб чиқаради.

Лекин инсон ақл-заковати ила шу 17 йил ичида ушбу хатарни бартараф этишга қодир нимадир кашф этилишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Бозор, омилкорлик ва самара

Бозор муносабатларига ўтаётган иқтисодиётни бошқариш тизимини қайта қуриш республикамизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мақсадга эришишда кадрларнинг билими, ташкилотчилиги, бозор шароитида ташаббускорлик билан иш юритиш омилларини қандай ўзлаштирганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Боз устига атроф-муҳитда ўзгаришларнинг тезлашиши, истеъмолчи мавқеининг, ресурсларга бўлган рақобатнинг ўсиши, бизнес учун янги имкониятлар пайдо бўлганлиги каби қатор омиллар инсон ресурси мавқеининг кескин ошишига, улар ролининг ўзгаришига олиб келди. Буларнинг барчаси умумий бошқарувда ходимлар бошқаруви аҳамиятининг ошишини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида бошқарув фаолиятининг мазкур муҳим соҳасини ўрганувчи фан аҳамиятининг ҳам янада ўсишига сабабчи бўлдиким, биз инсон омили, меҳнат унумдорлиги, имкониятлардан унумли фойдаланиш ва бошқа долзарб масалалар хусусидаги туркум мақолаларимизда улар ҳақида батафсил тушунча бериб борамиз.

ИШЛОВЧИ ҲАМДА ТАШКИЛОТ МУНОСАБАТИ

Инсон ишга келгандан сўнг у касбий малакага эга бўлади ва ўзининг бутун фаолияти давомида мукаммаллашиб боради. Илмий-техник тараққиётнинг замонавий шароитида ходимларнинг доимий такомиллашиб ва ривожланиб борадиган қобилияти ҳар қандай ташкилот самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Инсон ва ташкилот муносабати узоқ муддатли бўлиши мумкин. Масалан, Францияда инсон битта ташкилотда ўртача 16 йил ишлайди.

Ходимнинг ташкилот билан ўзаро фаолиятидан қониқиши ўзаро фаолият давом этишининг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай ташкилотнинг истиқболли вазифаларни бажариши ва тараққиётининг қисқа муддатли режаси одатда ишлаб чиқариш функцияси деб аталмиш ходим томонидан амалга ошириладиган аниқ фаолиятни талаб этади. Буни янада аниқроқ қилиб, ишлаб чиқариш хулқи, дейиш мумкин.

Ташкилот ходимларининг ишлаб чиқаришдаги хулқи ташкилот мақсадларига қанчалик яқин бўлса, уларнинг иш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Демак, инсон ресурслари бошқарувининг вазифаси ҳар бир ходимдан талаб қилинадиган хулқни шакллантиришдан иборат.

ХОДИМЛАР БОШҚАРУВИ

Ходимлар бошқаруви (ходимлар менежменти) — ташкилот миқёсида иш кучи потенциалини нормал ташкил қилиш, ривожлантириш, самарали ишлатиш учун шароит яратиш йўлидаги ўзаро боғлиқ ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий чоралар тизимидир.

Ҳозирги шароитда ходимлар билан ишлашнинг асосий мақсади корхона эгаларидан масъулиятни юксак даражада ҳис этадиган жамоа муҳитини, юқори малакага эга шахсни шакллантиришдир.

Ходимлар бошқаруви энг юксак мақсадларга эришиш ва ишчилардан самарали фойдаланиш йўлидаги вазифаларни бажаришга қаратилган ташкилотнинг махсус функционал хизмати ва тегишли бўлим раҳбарларининг хилма-хил фаолияти ҳисобланади.


Функционал муносабатда ходимлар бошқаруви деганда кадрлар соҳасида ишларга боғлиқ барча вазифалар ва қарорлар тушунилади (масалан, кадрлар танлаш, улардан фойдаланиш, малакасини ошириш, меҳнат ҳақи тўлаш, ишдан бўшатиш ва ҳ.к.).

Ташкилий муносабатда кадрлар билан ишлашда масъулиятга эга бўлган барча шахс ва институтлар тушунилади (масалан, раҳбар, кадрлар бўлими, касаба уюшмалар).

Ходимлар бошқаруви тизими тараққиётида «ташкилотходим» категориясининг мураккаблиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Зиёвуддин ҒУЛОМОВ, профессор.
Гўзал КОМИЛОВА, тадқиқотчи.

Ходимлар бошқаруви жараёнининг асосий қатнашчилари қуйидаги жадвалда ифодаланган



Саволларингизга ТДЮИ хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

Савол: Мен мавсумий иш давомида қаттиқ шамоллаб қолдим. Вақт ўтиб бу хасталик зўрайиб мени меҳнатга қобилиятсиз қилиб қўйди. Ушбу касаллигим бўйича пенсия олишим мумкинми?

Н. МАМАТҚУЛОВ, Зомин тумани.

Жавоб: Амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги қонунининг 15 моддасида айтилганидек, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган шахслар ногиронлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга. Бу давлат пенсияларининг бир тури бўлиб, ногирон деб эътироф этилган ва меҳнат стажига эга бўлган шахсларга тайинланади.

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронлик учта гуруҳга бўлинади. (I,II,III)



Ногиронлик сабаблари ва уларнинг гуруҳлари шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронлик қанча муддатга белгиланиши тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади. Мазкур комиссияларнинг ишлаш тартиби, ваколатлари ва мажбуриятлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган.

Ушбу Низомнинг 38-бандида ТМЭК га мурожаат қилиш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ТМЭКга бириктирилган тегишли даволаш муассасасининг йўланмасига биноан уларга яшаш жойидаги ёки бириктирилган даволаш — касалликнинг олдини олиш муассасаси (поликлиникаси) да амалга оширилади. ТМЭК га мурожаат қилиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак. Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, даволаш муассасасининг (поликлиника, шифохона) йўлланмаси (88 у - шакл), касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат туси ва шароитлари ҳақидаги маълумотнома (38-банд).

Бошланғич ТМЭК яшаш жойингиздаги туман ижтимоий таъминот бўлимида жойлашган бўлиши мумкин.

Савол: Мен II гуруҳ ногиронликман. Ногиронлик пенсиясини ололмаяпман. Менга қандай имтиёзлар бор.

М. ҲАСАНОВ, Ургут тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлигининг буйруқлари асосида пенсионер ва ногиронларга белгиланган имтиёзлардан умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронларига мол-мулкка солинадиган даромад ва ер солиқларини тўлашда имтиёзлар бор. Бундай ногиронлар мол-мулк, ер солиғини тўлашдан, даромад солиғини тўлашдан 50% озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 57 моддаси). Уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларига I гуруҳ ногиронлари ва ёлғиз ҳамда ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган II гуруҳ ногиронлари киради.

Савол: Бола икки ёшга тўлгунга қадар оналарга тўланадиган нафақа қайси пайтдан тайинланади?

А. АЛИМОВ, Жиззах шаҳри.

Жавоб: 2002 йил 18 февралда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Вазирлиги ҳамда Молия Вазирлиги томонидан 588, 35-сонли қарор билан тасдиқланган ва ҳозирги кунда амалда бўлган «Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парваришлаш учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 3-бандида, болани парваришлаш учун нафақа оналарга ушбу нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган ойдан бошлаб тайинланади, башарти ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган бўлса.

Савол: 2002 - 2005 йилгача корхона касаба уюшмаси ва иш берувчи ўртасида шартнома тузилган. Ушбу шартноманинг бажарилишини ким назорат қилади?

Т. СУЛТОНОВ, Ангор тумани.



Жавоб: Бундай шартнома жамоа шартномаси деб аталади ва корхоналарда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилади. Касаба уюшмалари бундай шароитларда корхона ходимларининг вакили ҳисобланиб, ходимлар номидан иш берувчи билан музокаралар олиб боради ва жамоа шартномасини имзолайди. Жамоа шартномалари асосан ходимларнинг меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, уларга ижтимоий-иқтисодий қулайликлар, имтиёзлар белгилаш мақсадида тузилади. Бундай шартномалар меъёрий тусга эга бўлиб корхонада барча ишлаётган ходимлар учун бажарилиши мажбурийдир.

Меҳнат Кодексининг 46-моддасига кўра, жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг тегишли органлари (меҳнат инспекцияси) назорат қилиб борадилар. Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида ҳисобот бериб турадилар.



Меҳнат Кодексининг 34 моддаси 3 - бандида, жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларни бузганлик ва бажармаганлик учун иш берувчининг манфаатини ифода этувчи шахсларнинг (яъни корхона раҳбари) жавобгарли белгилаб қўйилган ва уларга нисбатан асосан интизомий жазо чоралари кўрилади. Жамоа шартномасини бажармаганлик учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун юқори турувчи ташкилотга, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг меҳнат бўйича инспекция бўлимига, прокуратурага ва бевосита судга мурожаат қилиш мумкин.

Савол: Ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга қайси тартибда меҳнат таътили ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади?

Ш. ҚУДРАТОВ, Қўшрабод тумани.

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 133 моддасига кўра, барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик (0,5 ставка) асосида ишлаётган ходимларга, ҳар йили, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими)ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак (МК-нинг 134 моддаси).

Меҳнат Кодексининг 282-моддасида барча ходимлар давлат томонидан ижтимоий суғурта қилиниши лозим. Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бошқа тўловлар қаторида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари билан таъминланадилар (МК - 284 м)

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 14 майда 1136 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва 2002 йил 24 майдан кучга кирган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш тартиби» да нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. (49 банд).

Ходим асосий иш жойидан ташқари ўша ёки бошқа корхонада ўриндошлик асосида ишласа, нафақа барча иш жойидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимнинг умумий меҳнат стажига қараб ўртача иш ҳақининг 60% дан 100% миқдоригача тўланиши мумкин.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Қонунчилигимизда қандай ҳолларда ходимни ишдан четлаштириш назарда тутилганлиги тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

У.БОБОХОНОВ, Ангрен шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 113-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатга мувофиқ ходимни қуйидаги ҳолларда ишдан четлаштириш мумкин:

- алкоголли ичимлик, гиёҳванд ёки гоксик модда таъсиридан мастлик ҳолатда ишга чиққан ходим дарҳол иш берувчи томонидан ишдан четлаштирилади ва шу куни ходим ишда бўлмаган кун деб ҳисобланади. Ходимнинг маст ҳолатда бўлганлиги тиббий хулоса ёки уч киши иштирокида тузилган далолатнома билан тасдиқланади. Маст ҳолатда ишга келган ва натижада ишдан четлаштирилган ходимдан Меҳнат Кодексининг 182-моддасига мувофиқ ишдан четлаштирилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тушунтириш хати олиниши (тушунтириш хати беришдан бош тортса, далолатнома тузилиши) ва шу кодекснинг фақат 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларидан бири иш берувчи томонидан қўлланилиши мумкин. Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш умуман тақиқланади;

- жиноят иши бўйича айбланувчини вазифасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идораси томонидан асослантирилган қарор чиқарилади ва ушбу қарор прокурор томонидан тасдиқланган бўлиши зарур. Лекин ходимни вазифасидан четлаштиришнинг муддати қанча бўлишидан қатъий назар, бу ходимни вазифасидан озод қилиш учун мустақил асос бўла олмайди. Ишдан четлаштирилган ходимнинг меҳнат дафтарчасига ҳеч қандай ёзув киритилмайди. Ходимга меҳнат дафтарчаси берилмайди ва у иш берувчида сақланади;

- ходим қонунда белгиланган мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни хоҳламаса ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш Меҳнат Кодексининг 214-моддасида кўрсатиб ўтилган.

— Амалдаги қонунга асосан иш берувчи меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар қуйидагилардир:

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

— олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

— ногиронлар;

— меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

— озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

— умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагоглар ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим соғлиғини меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Тиббий кўриклардан ўтилишида ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди (аммо амалиётда қонунсиз пул олишлар учраб туради). Ходим тиббий кўрикдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишидан қатъий назар чиқимдор бўлмаслиги лозим.

Мабодо, фақат хусусий поликлиникадан тиббий кўрикдан ўтиш юқори тиббиёт муассасаси томонидан белгиланган (бириктирилган) бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ барча харажатлар тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма берган муассаса томонидан тўланиши зарур.

Ходимларни ишдан четлаштиришда ва уларни тиббий кўрикдан ўтказишда иш берувчи амалдаги қонунлар асосида иш олиб бормоғи, ходимларнинг ҳимоячиси бўлган касаба уюшма қўмиталари эса қонунларнинг тўлиқ бажарилишини доимо назорат қилишлари даркор.



Футболимизнинг 90 йиллик тўйи олдидан

ФАРҒОНАДА БАЙРАМ НАФАСИ

Республика Футбол федерацияси ушбу спорт тури бўйича алоҳида хизмат кўрсатган мутахассислардан иборат делегацияни водий бўйлаб сафарга йўллади. Федерациянинг фахрийлар кенгаши раиси Наримон Жалолов бошчилигидаги меҳмонлар Наманган, Андижон сафаридан сўнг Фарғона вилоятига ташриф буюришди.

— Таркибида Ахбор Имомхўжаев, Акмал Азизхўжаев, Сергей Арутюнов, Биродар Абдураимов, Тўлаган Исоқов, Баҳодир Иброҳимов, Аҳрор Иноятов, Малик Мавлонов, Шавкат Усмонов бўлган делегацияларнинг ташрифи вилоятимизга футбол байрами нафасини олиб келди, - дейди жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Мирзабоев. — Фарғонадаги футбол лицейида, вилоят телерадиокомпаниясида учрашувлар ўтказилди. Сўнгра Фарғона, Тошлоқ туманлари ва Марғилон шаҳрига сафар уюштирилди. У ерларда меҳмонлар футболнинг оммавийлиги борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, ишқибозлар билан юзмаюз учрашувлар ўтказишди. Ўзбек футболининг ўзига хос тарихи ҳақида сўзлаб беришди.

Мамлакатимиз футболининг 90 йиллик тантаналаридан вилоятнинг бироита ҳудуди бебаҳра қолмайди. Ҳозир ушбу байрамга катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятда ўтказилаётган барча футбол мусобақалари ана шу қутлуғ санага бағишланмоқда. Ташкилий қўмита дастурига асосан вилоят марказида «Фарғона футбол тарихи», Қўқондаги ўлкашунослик музейида эса ўзбек футболи тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар бўлими ташкил қилинади. Фарғона телерадиокомпанияси ижодкорлари эса «Ўзбек футболига 90 йил» мавзусида ҳужжатли фильм яратадилар. Вилоят футбол федерацияси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда «Фарғона футболи тарихини биласизми?» деб номланган кўрик-танлов ўтказади.

Водийнинг етакчи командаси «Нефтчи» хориж клубларининг бири билан ўртоқлик учрашувини ўтказади. Бундан ташқари, жойларда машҳур футболчилар иштирокида турли тадбирлар, концерт дастурлари ва оммавий сайиллар уюштирилади.

90 йиллик тўй тантаналари 7 сентябрда ўзбек футболининг бешиги Қўқон шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Шу куни мамлакатимиз миллий терма жамоаси Баҳром Ҳакимов раҳбарлигидаги Қўқон шаҳар терма жамоаси билан баҳслашишади. Ушбу футбол шоу мухлислар хотирасида абадий қолиши; шубҳасиз.


Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

ФАВВОРАЛАР ШАҲРИ

Бугунги кунда Наманган шаҳри чинакамига фавворалар шаҳрига айланиб бормоқда. Чунончи, темир йўл бош бекатидаги Фарғона водийсида ягона, мамлакат миқёсида эса иккинчи саналган баландлиги 25 метрлик фаввора, Заркент савдо маркази майдонидаги ана шундай улкан мўъжиза, Алоқачилар уйи ва марказий дорихона саҳнидаги «Фотима-Зуҳро» деб номланган қўшалоқ фавворалар, бош театр майдонидаги беҳисоб чироқчалар ҳамда болалар чўмилиш майдончаси қирғоғини безаган оби-ҳаёт безаклари сўзимиз исботидир.

Истиқлолимиз ўн бир йиллиги арафасида вилоят марказида қурилган бунёдкорлик мўъжизалари шулар билангина кифояланмайди. Ўтган ҳафта охирида Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети биносининг саҳнида бунёд этилган ва «Конституция хиёбони» деб номланган майдонда ҳам баландлиги 15 метр бўлган фаввора битказилди. Юзлаб чироқлар билан безалган бу мўъжиза ҳам Наманганга ўзига хос ҳусн, чирой бахш этиши турган гап.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



Бахтли болалик.
Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ёднома

«ҚОШИНГГА ҚЎЙМАГИЛ ҚАЛАМНИ»

ёхуд севгилиси ёди билан бир кам қирқ йил ёлғиз яшаган мусаввир ҳақида

Шамсрўй Ҳасанова ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўларди. Ажойиб истеъдод соҳибаси ўзининг қисқа, аммо мазмунли ҳаёти давомида ёркин истеъдоди, ташкилотчилиги билан эл назарига тушди. Ўзбекистон Давлат санъат музейида ишни оддий ходимликдан бошлаган мусаввира энг оғир дамларни ўз ичига олган ўн йил давомида (1946-56 йиллар) ушбу кошонага раҳбарлик қилди.

«Баҳор ишлари» деб номланган кичкина рангтасвири билан кириб келган мусаввира ушбу даргоҳга бир умр ипсиз боғланиб қолди. У бу асарида ўзбек аёлларининг чексиз гўзаллигини даладаги оғир меҳнат: замбилларда тупроқ, маҳаллий ўғит ташиш ҳолатлари билан бир кўринишда, яна денг баҳор байрами тасвирлари билан акс эттирганди. Чингиз Аҳмаров Шамсрўйнинг бу асарини қайта-қайта томоша қилиб, ҳайратга тушади. Тасвирдаги нафосат, миллийлик уни мафтун этади. «Бу қиз ажойиб мусаввира бўлиши мумкин. Шогирдликка олиб қўлимдан келганича ёрдам бераман» деган хаёлда Шамсрўй билан учрашиб, мақсадини айтади. Бундай олижаноблиқни эшитган Шамсрўй ниҳоятда севинади ва бу таклифни бажонидил қабул қилади.

Чингиз ака ўша пайтда Навоий номли опера ва балет театри деворларини «Хамса» достони асосида безаётганди. Маҳобатли ранг тасвир орқали деворларда Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун сиймолари жонланди. Шамсрўй учун бу катта мактаб вазифасини ўтади, ҳайрат ва ҳаяжон билан устозидан тасвирий санъат сир-асрорларини ўрганди. Кўнгли очиқ, анча шўх-шаддод қиз кундан-кун буюк мусаввир эътиборини тортар, қанчалик иш билан банд бўлмасин, уни зимдан кузатишдан ўзини тия олмасди.

Шамсрўй ниҳоятда гўзал эди. Қалби гўзалликка ташна Чингиз Аҳмаров унинг чиройи, малоҳати ва зеболигидан илҳомланиб, ўз қаҳрамонлари - Лайли, Ширин, Дилором сиймоларини яратади. Шамсрўйнинг чиройига унинг истеъдоди ўзгача малоҳат бахш этарди. Бу эса муҳаббат тимсолини яратаётган мусаввирга ўзгача руҳий қувват бағишларди. Шамсрўй устози билан ҳамкорликдан сўнг миниатюра услубида ижод қилишга киришди. Гўзаллиги ва донолиги билан дунёни ҳайратга солиб келган Шарқ аёллари қиёфасини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Устози эса унинг интилиш ва ниятларини қувватлади. Ундан ёрдамини аямади.

Чингиз Аҳмаров кўпинча темпера, яъни нилий бўёқларда асарлар яратар, лекин бу Шамсрўйнинг мойбўёқларда миниатюра асарлари яратиш борасидаги интилишларини инкор этиш дегани эмасди. Чингиз Аҳмаров гўзал ва иқтидорли шогирдидан чиндилдан мамнун эди. Шамсрўй Ҳасанова «Шарқ аёллари» туркумида шоиралар - Зебунисо, Нодирабегимларнинг портретларини яратади. Кейинроқ Қашқар шоираси ва қўшиқчиси Мутраба, самарқандлик шоира Меҳри ва Увайсий портретларини мойбўёқда тасвирлади. Бадиий кўргазмаларда бу асарлар санъат мухлислари томонидан ҳайрат билан кутиб олинди. Айниқса, «Нодирабегим» портрети 1948 йилда Париж кўргазмасида юксак мукофотга сазовор бўлди ва алоҳида ҳурмат билан Шарқ халқлари музейига қўйилди.



Ўзаро ҳамкорлик ва ҳамфикрлик охир-оқибат муҳаббатга айланди. Устоз ва шогирдларнинг 1949 йилда никоҳ тўйлари бўлди. Бу икки мусаввирнинг ҳаётини достон ва афсоналардаги қаҳрамонлар тақдирига таққослаш мумкин. Икки буюк қалб бир-бирларини жуда ардоқлашар, аммо ниҳоятда қийинчиликда кун кечиришарди. Нега деганда, ўша даврда санъат асарларига жуда кам ҳақ тўланар, рассомлар бугунгидек нуфузга эга эмас эди. Айтишларича, тўйлари бўлганда Шамсрўйнинг кийишга кийими бўлмай, вақтинча санъат музейида сақланаётган миллий кийимлардан фойдаланган экан. Камбағаллигини ҳисобга олмаганда, икки мусаввир ҳаёти нимаси биландир Умархон ва Нодирабегим ҳаётларига ўхшаб кетарди. Ораларида фарзанд йўқлигидан ҳам ҳеч нолишмас, ҳамиша умид билан яшашарди. Яратаётган ҳар бир асарларини болаларидек асраб-авайлашарди. «Асарларимиз эл-юрт учун хизмат қилсин, гўзаллик инсонларни ёмонликдан қайтарсин, тинчлик-осойишталикни сақлаб қолсин» дейишарди. Чингиз Аҳмаров доим Шамсрўйни «Менинг қуёшим!» деса, Шамсрўй эса: «Қалбларни гўзаллик билан забт этган Чингизсиз» деб кўкларга кўтарар эди.

Мусаввиранинг вафотидан кейин Чингиз Аҳмаров ҳар баҳорда Шамсрўйни ёд этиб, «Менинг қуёшим!» асарлар кўргазмасини намойишга қўярди, тасвирда Қуёшнинг нур сочиб туриши-ю, унинг теграсида гўзалликда тенги йўқ аёл қиёфаси акс этган бўларди. Бу рамзий маъно бўлиб, Шамсрўйга чексиз эҳтиром рамзи эди. Вафо ва садоқатни қарангки, Чингиз Аҳмаров бир кам қирқ ёшида оғир касалликдан вафот этган севгилиси ёди билан яна бир кам қирқ йил ёлғиз яшади. Барча асарларига Шамсрўйдаги фазилатлар, гўзалликни сингдирди. Шунинг ўзи аёл зотига бўлган буюк ҳурмат, муҳаббат, вафо эмасми?

Шамсрўй Ҳасанова шеъриятга жуда қизиққан. Нодирабегимни Қўқон шоиралари устози деб билган. Зебунисо қиёфасида ўзини кўрган. «Зебунисо» портрети аслида Шамсрўйнинг «Автопортрети»дир. У тасвирлаган шоирларнинг юз кўринишларига, қошларига эътибор берсангиз, Шамсрўй Ҳасановани кўрасиз. Нодирабегим, Увайсий қиёфаларига боқсангиз ҳам Шамсрўйни эслайсиз. Бу унинг янги чиққан ярим ойдек тим қора қошларида, шаҳло кўзларида акс этган. Аёлларни гўзал кўрсатадиган ишора, бу уларнинг кўз ва қошлари эканлигини мусаввир Чингиз Аҳмаров ҳам кўп гапирар эдилар. Шамсрўй айниқса Умархоннинг Нодирага қаратта айтган «Қошингга қўймагил қаламни» ғазалини хуш кўрган дейишади. Нодирабегим асарини яратаётганда Шамсрўй Ҳасанова шу ғазални хиргойи қилганлигини ҳам ҳануз кекса мусаввирлар эслашади.

Ҳа, муҳаббат икки буюк мусаввир қалбига ошно бўлиб, санъат оламини гўзал асарлар билан бойитди. Бу асарлар мудом буюк муҳаббат ва садоқат рамзи бўлиб қалбларни нурга тўлдириб тургай.

М. АҲМЕДОВ, санъатшунос.

Республикамиз шифо масканларида

КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА



Китоб туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳҳор Розиқов меҳнат фахрийси Абдурауф Қодировни ҳузурига чорлаб, мириқиб сиҳатгоҳда дам олиб қайтиш таклифини айтганида, 73 ёшли отахон қулоқларига ишонмади. Шу куниёқ қувончи ичига сиғмай сафар тараддудига тушди.

...Отахоннинг 13 нафар фарзанди бўлиб, ёстиқдоши Зулфия момо Воҳидова билан қарийб 55 йилдан буён тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда.

— Санаторийда илиқ кутиб олишди, — дейди Абдурауф ота. — Барака топгур шифокорлар муолажа билангина эмас, ўзларининг ширин сўзлари билан ҳам малҳам бўлишмоқда. Қариялар учун кенг қўламдаги ишлар амалга оширилибди. Ҳар томонлама қулайликка эга бўлган чойхонада мириқиб дам олиб, ҳордиқ чиқариш мумкин.

Отахон бухоролик Исрофил Муродов, қаршилик Ёқуб Чўлиев, шаҳрисабзлик Шукур Бердиев сингари фахрийлар билан дўстлашиб қолганини, улар ҳам тинч-фаровон, шукроналик билан яшаётганликларини бирма-бир сўзлаб беришди.

— 45 йил ҳайдовчилик қилдим, — дейди Шукур Бердиев. — Мана энди кексалик гаштини сураётибман. Бизларни ҳурматлаганларни яратган ўз паноҳида асрасин.

НУРБЕК.
Суратда; бир пиёла чой устида ширин суҳбат.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

Одатда машинанинг олд томонида иккита чироғи бўлади. Машина олдида яна бир чироқ пайдо бўлиб қолди, дейлик. Бироқ бу чироқнинг нури кўзга кўринмайди.

ЭЛЕКТРОН «ҲАЙДОВЧИ»

У аслида электроника асбоби бўлиб, кўчадаги сон-саноқсиз машиналар оқимидан тўғри масофа танлаб, машинани бошқариб боради. Агар бирон бир хавф туғилгудек бўлса, электроника асбоби сигнал бериб, машинани дарҳол тўхтатади.

Бу эса зим-зиё тунда ҳам, туман тушган пайтда ҳам машиналарни бир-бири билан тўқнашиб кетишдан сақлайди.

Электроника асбобини шундай қилиб ясаш ҳам мумкинки, у машинани исталган тезликда нақ жар ёқасидан бемалол ҳайдаб кетаверади, ҳатто бурилиш пайтида ҳам ўнг ёки чапга оғиб кетиш деган нарсани билмайди.

Бундай машинани ҳозирча кўчаларимизда кўрмаймиз, у фақат муҳандис-олимларнинг бугунги орзуси. Лекин бу ният яқин йиллар ичида рўёбга чиқади.

А.АЛИЕВ.

Бу турфа олам

Япон ўйинчоқсозлари қийин даврни бошдан кечирмоқда. Мамлакатда туғилиш камайиб, жамиятда кексаларнинг салмоғи ошгани ўйинчоқ бозорини ҳам мураккаб аҳволга солиб қўйди. Япония Миллий жамият ва аҳолишунослик институти тарқатган маълумотга кўра, 2000 йилдан буён 14 ёшгача бўлган болалар сони 2,6 фоиз камайган ва ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг атиги 12 фоизини ташкил этади.

КАТТАЛАРНИНГ ЎЙИНЧОҒИ

Лекин тиниб-тинчимаган япониялик ишбилармонлар қийин аҳволдан чиқишнинг чорасини топишди. Улар энди ўз маҳсулотларини болаларнинг ота-оналарига мослаб чиқаришга эътибор қаратишмоқда. Бу борада Япония ўйинчоқ бозорида аллақачон катта рақобат ҳам бошланди.

Жумладан, мамлакатда ўйинчоқ ишлаб чиқараётган етакчи корпорациялардан бири «Такара» ҳозирданоқ «Кьюкара» деб номланувчи ўйинчоқ автомобил ишлаб чиқара бошлади. Машина йил охирида бозорга чиқади. «Кьюкара» 80-йилларда оммалашган жажжи «Тиорокар» ўйинчоқ машинанинг худди ўзи. Бироқ бу гал автомобил анча катталаштирилган. Лойиҳа муаллифларининг ярим ҳазил аралаш айтишларича, бир маҳаллар столда ғилдиратиб ўйналган жажжи автомобил ўйинчоқлар ҳам вақт ўтган сайин катталашмоқда.

Ўйинчоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир фирма - «Бандай» эса севимли мультфильм қаҳрамонлари қиёфасидаги бўйи ярим метрли қўғирчоқ ҳамда японларнинг миллий ичимлиги «сакэ» шаробини қадаҳга қуйиб берадиган робот ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирча бу қўғирчоқнинг нархи 600 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Бироқ унинг савдоси кенгайиб кетса, нарх тушиши ҳам мумкин.

Хуллас, кунчиқар мамлакатда туғилишнинг камайиши саноатнинг бу тармоғига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Дайва илмий-текшириш институти етакчи мутахассиси Эйдаи Маэданинг фикрича, бу ўйинчоқлар боламижоз японлар орасида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Табиийки, бу қизиқишни бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашаётган фирмалар эътибордан четда қолдирмайди. Яъни, бундай пайтда қаерда талаб бўлса, ўша ерда таклиф ҳам пайдо бўлади, деган қонуният ўз кучини намоён қилади. «Такара», «Бандай», «Томи» ва «Эпокку» фирмаларининг аллақачон катталар учун ўйинчоқ ишлаб чиқаришга киришгани ҳам шу билан изоҳланмоқда.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.30
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6